



013-у.г. "25" декабр

№ 1511-К

Самарқанд t-р Самарқанд

“Кўштамғали” қишлоқ фуқаролар йиғини “Ражабамин” маҳалласида фуқаро Узоқов Зафарга тикувчилик цехи ва савдо дўкони қуриш учун ер майдони ажратиш тўғрисида”

“Дашакиболо” қишлоқ фуқаролар йиғини “Рустам” маҳалласида яшовчи фуқаро Узоқов Зафар туман ҳокими номига ариза билан мурожаат қилиб, “Кўштамғали” қишлоқ фуқаролар йиғини “Ражабамин” маҳалласи худудидан тикувчилик цехи ва савдо дўкони қуришга ер майдони ажратишни сўраган.

Юқоридагиларни, туман ер танлаш хайъатининг тузган далолатномаси, вилоят табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг Давлат экологик экспертизаси хулосасини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 26-февралдаги “Шахарсозлик фаолиятини амалга ошириш ва қишлоқ хўжалигига оид булмаган эҳтиёжлар учун ер участкаларини бериш тартибини тубдан соддалаштириш чора тadbирлари тўғрисида”ги 54-сонли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357 сонли “Тadbиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида” ги қарорларига асосан

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. “Дашакиболо” қишлоқ фуқаролар йиғини “Рустам” маҳалласида яшовчи фуқаро Узоқов Зафарга “Кўштамғали” қишлоқ фуқаролар йиғини “Ражабамин” маҳалласи худудидан тикувчилик цехи қуриш учун 220 м.кв, савдо дўкони қуриш учун 60 м.кв ва ободонлаштириш учун 300 м.кв жами 580 м.кв қишлоқ хўжалигида фойдаланмайдиган маҳалла маркази ҳисобидан ажратиш ҳақидаги туман ер танлаш хайъатининг тузган далолатномаси тасдиқлансин.
2. Фуқаро Узоқов Зафарга тикувчилик цехи ва савдо дўконини қуришдан олдин қатъий равишда Ўзбекистон Республикаси “Шахарсозлик кодекси”нинг 8, 39, 54 моддаларига амал қилган ҳолда архитектура талаблари топшириғи (АРТ), лойиҳа хужжатларини тайёрлаб Давлат қурилиши экспертизаси рўйхатидан ўтказиш вазифаси юклатилсин.
3. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари О.Мухторов зиммасига юклансин.

Туман ҳокими

Б.Садуллаев